

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон **Фармони** ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, қўнижмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шаклларини вариатив ва бир бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар:

2019 йилнинг 1 октябридан олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизими амалиётга жорий этилишини;

икки ой муддатда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида профессор-ўқитувчиларнинг белгиланган сонидан келиб чиқиб, камида 3 та штат бирлигидан иборат Таълим технологиялари кафедраси ташкил этилишини;

икки ой муддатда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари (кейинги ўринларда минтақавий ва тармоқ марказлари деб аталади) тузилмасига халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассис лавозими киритилишини;

уч ой муддатда Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида низом **1-иловага** мувофиқ;

2. Қўйидагилар:

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом **1-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказларининг намунавий тузилмалари тегишлича **2** ва **2а-иловаларга** мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тузилмаси **3-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида самарали дарс берётган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

раҳбар ва педагог кадрларининг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга оладиган, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ташкилий-методик тайёргарликни амалга ошириш;

ўкув режалари ва дастурлари мазмунини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар малакасини оширишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиши;

минтақавий ва тармоқ марказлари тингловчиларининг халқаро илмий маълумотлар базасидан кенг фойдаланишлари учун зарур шароитларни яратиш;

минтақавий ва тармоқ марказларини хорижий нашрлар, замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш, шунингдек, курсларнинг ўқув-услубий таъминотини доимий янгилаб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 сентябрь,
797-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш юқори малакали мутахассисларни тайёrlаш сифатига қўйиладиган талаблар асосида қўйидагиларга йўналтирилган:

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий маҳоратини мунтазам ошириш асосида уларнинг илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ҳамда ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳаларидаги кўникмаларини ривожлантириш;

юқори самарали замонавий таълим ва инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини доимий янгилаб бориш, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларида бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларидан фойдаланган ҳолда, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш, уларни ўқув жараёнига фаол татбик этиш кўникмаларини ривожлантириш;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касбий маҳоратини, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориш учун кенг фойдаланиш;

малака оширишнинг билвосита шаклларини амалиётга тўлиқ жорий этиш, педагог кадрларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга оладиган, табакалаштирилган узлуксиз малака ошириш жараёнларини ривожлантириш асосида малака оширишнинг муқобил шаклларини жорий этиш.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

масофавий малака ошириш — ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали малака оширишнинг онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиши) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишида ўзлаштириш) шакли;

мустақил малака ошириш — таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ янги билимлар, малака ва кўникмаларни раҳбар ва педагог кадрлар томонидан мустақил ўзлаштириш, ўзини-ўзи касбий ривожлантириш шакли;

муқобил малака ошириш — мустақил малака ошириш шаклларидан фойдаланиб, раҳбар ва педагог кадрларнинг индивидуал касбий маҳорат натижалари тасдигини амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли;

олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари — олий таълим муассасасида педагогик фаолиятни амалга оширувчи ва кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимидаги шахслар;

олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари — олий таълим муассасаси ректоратида ва деканатида бошқарув функциялари ва вазифаларини бажарувчи шахслар;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси(қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси) — янги касбий билим ва маҳорат, замонавий кўникмалар ҳамда бошқарув ва педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ҳажмда ва етарли даражада ҳамда давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув-таълим жараёнига талаб қилинадиган сифатни таъминлайдиган даражада ваколатларни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли;

узлуксиз малака ошириш тизими — раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишида ривожлантириб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизим;

электрон портфолио — раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий фаолият натижаларини баҳолашга қаратилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ижодий иш материалларни қамраб олувчи электрон ресурслар мажмуаси.

4. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш бевосита ва билвосита шаклларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалга оширилади.

5. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш тизими **1-иловадаги** схемага мувофиқ, Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш шаклларини баҳолаш мезонлари **2-иловага** мувофиқ, Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш босқичлари **3-иловага** мувофиқ жорий этилади.

2-боб. Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари

6. Малака оширишнинг бевосита ва билвосита шаклларини ўзаро бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этиш орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг мустақил ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш мотивларини рағбатлантириш, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишида ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равишида янгилаб бориш узлуксиз малака ошириш жараёнларининг мақсади хисобланади.

7. Қуйидагилар узлуксиз малака ошириш жараёнларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рахбар ва педагог кадрларнинг касбий билимлари, қўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва касбий фаолиятга алоқадор билвосита шаклларини амалиётга тўлиқ жорий этилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;

рахбар ва педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан келиб чиқиб уларни касбий эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналтирилган узлуксиз малака оширишнинг шаклларини мустақил танлаш ва ўзлаштириш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг тайёргарлиги сифатига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштириш.

3-боб. Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш шакллари ва босқичлари

8. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш;

муқобил малака ошириш;

таълим дастурлари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида бевосита ўқиш.

9. Мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш;

иктидорли ва истеъдодли талabalар билан ишлаш;

илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш;

илмий журналларда мақолалар чоп этиш;

кўргазма ва танловларда иштирок этиш;

илмий лойиҳаларда иштирок этиш;

халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш;

ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш;

монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш;

ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш;

фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Очиқ ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш — замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, таълимнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда академик гурухларда жадвал бўйича машғулотлар ўтказиш ва ўрнатилган тартибда кенг муҳокама қилиш.

Иктидорли ва истеъдодли талabalар билан ишлаш — дарс берётган фанлари бўйича талabalарнинг республика ва халқаро миқёсидаги фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат соҳасидаги қўрик танловлар ва кўргазмаларнинг совриндорларини тайёрлаш ҳамда иктидорли ва истеъдодли талabalар билан ишлашда фаоллик кўрсатиш.

Илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш — фан ва амалиёт, ўқитиши методикаси ва технологиясининг долзарб муаммоларини ҳал этишга ва ўкув-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган долзарб мавзулари, инновацион йўналишлари бўйича республика ва халқаро миқёсидаги анжуманлар, давра сұхбатлари, семинарларда илмий ёки илмий-методик маъruzalар (ахборотлар) билан чиқиши.

Илмий журналларда мақолалар чоп этиш — мустақил равишда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалаларига йўналтирилган (мутахассислиги доирасида) муҳим мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқот (эмпирик) натижалари, таҳлиллари, рационализаторлик ғоялари ва ишланмаларини диссертацияларнинг асосий илмий

натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган илмий нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журнallарда эълон қилиш.

Кўргазма ва танловларда иштирок этиш — машғулот олиб бораётган фанлари бўйича ижодий иш натижаларини республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар ва кўргазмаларда иштирок этиш орқали оммалаштириш, совриндор бўлиши.

Илмий лойиҳаларда иштирок этиш — халқаро лойиҳалар ва дастурлар, шунингдек фан ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан кадрлар тайёрлаш таълим мазмuni, сифатини ошириш орасидаги узвийликни ривожлантириш мақсадида фундаментал, инновацион ва амалий лойиҳаларга, хўжалик шартномалари асосида бажариладиган ишларга, шунингдек халқаро миқёсдаги лойиҳаларга раҳбарлик қилиш ёки иштирокчи сифатида фаолият олиб бориш.

Халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш — мустақил равища таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалаларига йўналтирилган муҳим мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, таҳлиллари, рационализаторлик ва инновацион ғояларини халқаро маълумотлар базасига киритилган юқори рейтингли ёки импакт-факторли илмий журналларда эълон қилиш.

Ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш — соҳанинг долзарб масалаларига йўналтирилган тадқиқот натижалари асосида маҳсулот ва ишланмаларни яратиш

Монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш — айнан илмий-тадқиқот мавзуси натижалари ёки муаллифлик ижодий ишлари асосида тайёрланган асар(каталог)ни босма нашр этиш.

Ўкув адабиётларини тайёрлаш — давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблар асосида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида янги авлод ўқув (электрон) адабиётлар (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни яратиш ва ўрнатилган тартибда таълим амалиётига жорий этиш.

Илмий раҳбарлигига фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинганлиги — илмий-педагог кадрлар тайёрлашдаги фаоллиги, раҳбарлигига фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун тайёрланган ва ҳимоя қилинган диссертация.

10. Муқобил малака ошириш шакллари қўйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги илмий унвонига эга бўлиш;

сўнгги 3 йилда хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (малака оширишнинг давомийлиги бир ойдан кам бўлмаган, стажировканинг давомийлиги уч ойдан кам бўлмаган муддатда);

сўнгги 3 йилда фалсафа доктори (PhD) ёки мутахассислик бўйича фан доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш;

сўнгги 3 йилда камидা битта мутахассислик бўйича фан доктори (DSc) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертация ишига илмий маслаҳатчи ёки фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган 2 та диссертация ишига илмий раҳбарлик қилиш;

сўнгги 3 йилда якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш.

11. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш шакллари бўйича сўнгги уч йилдаги маълумотлари электрон портфолио тизимига шахсан раҳбар ва педагогнинг ўзи томонидан киритилади ва кўрсаткичлар электрон мониторинг тизими орқали қайд этиб борилади.

Мустақил малака ошириш шакллари бўйича раҳбар ва педагог кадрларининг фаолиятини баҳолаш мазкур Низомнинг **2-иловасидаги** Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг мустақил малака ошириш шаклларини баҳолаш мезонларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Олий таълим муассасаларининг ҳар бир раҳбар ва педагог кадри мустақил малака ошириш шаклларига ажратилган 100 баллик тизимда камидан 20 баллни тўплаган ҳолда қўйидаги иккита босқичдан бирини эгаллайди:

биринчи босқич (20 — 85 балл) — раҳбар ва педагог кадрлар таълим дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хисобидан олий таълим муассасасининг йиллик малака ошириш режаси доирасида раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида таълим дастурлари асосида бевосита ўқиш имкониятига эга бўлади. 20 баллдан кам балл тўплаган раҳбар ва педагог кадрлар мустақил малака ошириш курсларидан ўтмаган хисобланадилар ва кейинги босқичга қўйилмайдилар;

иккинчи босқич (86 — 100 балл) — раҳбар ва педагог кадрлар тўғридан-тўғри онлайн тест синовларини топширишга тавсия этилади. Онлайн тест синовларини муваффақиятли топширган раҳбар ва педагог кадрларга битирув (лойиха) ишини ҳимоя қилишга рухсат берилади. Онлайн тест синовларидан муваффақиятли ўтмаган раҳбар ва педагог кадрлар раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида таълим дастурлари асосида бевосита ўқишга тавсия этилади.

13. Назорат турлари бўйича синовлардан белгиланган ўтиш балини тўплай олмаган педагог кадрлар белгиланган тартибда такрорий курслардан ўтади.

14. Муқобил малака ошириш шаклларидан ихтиёрий бирини амалга оширган раҳбар ва педагог кадрларга мутахассислиги бўйича тингловчиларга маҳорат дарси ўтказиши асосида малака аттестати Аттестация комиссиясининг қарори асосида тақдим этилади.

4-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби

15. Давлат олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари, идоравий мансублигидан қатъий назар, уч йилда камидан бир марта доимий асосда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тегишли йўналишлар бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини хисобга олган ҳолда тингловчиларни сифатли ўқитиши учун моддий-техника базаси, педагоглар таркиби мавжуд бўлганда курслар фаoliyatiini ва ресурс таъминотини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари молиялаштириш асосида ташкил этилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари (такрорий ўқитищдан ташқари) бепул асосда ўқитилади.

16. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўқиш тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг намунавий тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соат ҳажмдаги ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.

Бунда, ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуслари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади.

Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади.

17. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан кейин таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган комиссияда аттестациядан ўтадилар. Аттестация комиссияси тегишли соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар, илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги тажрибали мутахассислардан камидан 7 кишидан иборат бўлган олий таълим муассасаси ректори ёки фан доктори илмий унвони бериш бўйича илмий кенгаш раиси бошчилигига шакллантирилади.

18. Аттестациядан муваффақиятли ўтган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига қатъий хисобда турадиган давлат намунасидаги хужжат хисобланадиган малака аттестати берилади.

19. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишиң якунлари бўйича аттестациядан муваффақиятли ўтган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари тегишли йўналишлар бўйича бўш турган раҳбар ва педагог лавозимини танлов бўйича эгаллашда имтиёзли хуқуқка эга бўлади.

20. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишиң якунлари бўйича аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари бир йил мобайнида пулли асосда ўқишнинг тегишли ёки турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси якунида аттестациядан ўтиши шарт.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини такроран ўзлаштириши асосий ишдан ажралмаган ҳолда курсларининг ўқув дастурларини мустақил равишда масофадан ўқитиш усуллари орқали ўзлаштириш асосида амалга оширилади.

Мустақил равишда масофадан ўқитиш усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини тўлик ўзлаштириб келган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади. Якуний аттестация тегишли йўналишлар бўйича таянч олий таълим муассасалари хузуридаги аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

21. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида узрсиз сабабларга кўра дарс қолдиргани учун тингловчилар сафидан чиқарилган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари пулли асосда, мазкур Низомнинг **16-банди** талабларига мувофиқ қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан такроран ўтиши ҳамда ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида аттестациядан ўтиши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида узрли сабаблар билан дарс қолдирган тингловчига ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги курсларда қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтишига рухсат берилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтиш 288 соат ҳажмида ташкил этилиб, унинг 144 соати мустақил малака ошириш шаклида, 144 соати масофадан ўқитиш шаклида амалга оширилади.

22. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишиң якунлари бўйича аттестациядан такроран ўтмаган ёки асосий иш жойи бўйича белгиланган муддатда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтмаган тақдирда, ушбу ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатидан ҳамда бўш турган педагог лавозимини эгаллаш танлови даврининг тугаган муддатидан қатъий назар, меҳнат шартномаси белгиланган тартибда икки ой мобайнида бекор қилинади. Улар ўз педагогик фаолиятини бошқа таълим муассасаларида (олий таълим муассасаларидан ташқари) давом эттириши ёхуд бошқа ташкилотларда ишлаши ҳамда ўзининг касбий малакасини мустақил равишда ошириши мумкин.

Бунда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишга ҳамда улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бир йил ўтгандан кейин пулли асосда аттестациядан ўтишга рухсат берилади. Бунинг учун улар тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасасига курслардан ва аттестациядан ўтиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласидилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар олий таълим муассасаларидағи бўш турган педагог лавозимларини эгаллаш учун танловда белгиланган тартибда иштирок этиш хуқуқига эга.

23. Олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари аттестациядан такроран ўтмаган тақдирда, муайян раҳбарлик лавозимиға тайинлашга ваколатли бошқарув органи (ёки олий таълим муассасаси раҳбари) бундан кейин ушбу шахсларнинг раҳбарлик лавозимини эгаллаб туриши тўғрисида қарор қабул қиласиди.

24. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнларини мониторинг қилиш, шунингдек тингловчиларнинг касбий фаолияти натижаларини қайд этиб

боришиň Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик марказининг (кейинги ўринларда Бош илмий-методик марказ деб аталади) ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

25. Ҳар йили 15 ноябрға қадар тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирликлар ва идоралар буюртманомалари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш даврийлигига мувофиқ кейинги календарь йил учун ойлар ва ўқиш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг контингенти шакллантирилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш режа-жадвали ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда олий таълим муассасаларига етказилади.

Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари ўқиш йўналиши ва эгаллаб турган лавозимига боғлиқ ҳолда таянч олий таълим муассасалари, Бош илмий-методик марказ ва бошқа таълим муассасаларидаги доимий ишлайдиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилади.

26. Курсларга тингловчиларни қабул қилиш тасдиқланган режа-жадвал ва жўнатувчи томонларнинг буйруғи асосида тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ курслар бошланиши санасидан бошлаб 3 кун мобайнида расмийлаштирилади.

27. Ишдан ажралмаган ҳолда масофадан ўқитиши усуллари асосида ташкил этилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўқиш жараёни бошлангандан кейин уч кун мобайнида белгиланган топшириқларни бажармаган ёки курсларнинг тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга ошириладиган даврида ўқиш бошлангандан кейин уч кун мобайнида тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларига етиб келмаган тингловчилар, етиб келмасликнинг сабабларидан қатъий назар курсларга қўйилмайди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига узрсиз сабаблар бўйича иштирок этмаган тақдирда тингловчилар аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда уларга ушбу Низомнинг **21-банди** талаблари татбиқ этилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари раҳбарлари тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўз вақтида иштирок этмаганлигининг барча ҳолатлари тўғрисида тегишли чоралар кўриш учун жўнатувчи томонга ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига хабар беради.

28. Тингловчиларнинг касаллиги тасдиқланган тақдирда уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ҳамда аттестациядан ўтиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ бошқа муддатга кўчирилади.

29. Ўқиш туталланадиган йилда олий таълим муассасаларига педагог лавозимларига қабул қилинган магистратура битиравчилари педагогик фаолиятнинг учинчи йилида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтадилар.

30. Режа-жадвалга киритилган ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишидан ўтадиган тингловчилар учун ўқишининг тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўкув юкламаси эса олий таълим муассасаси кафедраларининг бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади.

5-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини ташкил этиш

31. Узлуксиз малака ошириш тизими раҳбар ва педагогларга касбий фаолият жараёнида эришилган кўрсаткичлар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим

муассасаларида бевосита касбий ривожланишни ташкил этишнинг мақбул ва зарур йўлларини танлаш, касбий билим ва қўникмаларни доимий янгилаш имкониятини беради.

32. Тингловчиларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлар, машғулотлар жадвали билан тартибга солинади. Ўқув режалари ва дастурлар фан, техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида ҳар йили такомиллаштирилади.

33. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза (онлайн маъруза); интерактив семинарлар; амалий машғулот; қўчма машғулот; тажриба алмашиш; мустақил ўқиш, шу жумладан масофадан ўқитиш усуллари; педагогик (малакавий) амалиёт; битириув (лойиха) ишини ҳимоя қилиш.

Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил этилади.

Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги курсларда ўқув машғулотлари онлайн ва оффлайн шаклларида ўтказилади.

34. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камидаги 10 дақиқани ташкил этади.

35. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёни олий таълим муассасаларидан тақдим этилган йиллик буюртманомалар бўйича гурухларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда тингловчилар сони 15 нафардан кам бўлмаган академик гурухларда ташкил этилади.

Истисно тариқасида:

tinglovchilar kontingensti etarli boulmagan younaliishlarda, jumladan ruz yoki korakalpoq tiliida dars olib boriladigan guruhlarda, tингловчилар контингенти бир гурух меъёрида йифилмайдиган кам сонли алоҳида таълим йўналишларида ўқув жараёнини ташкиллаштиришда бир гурухдаги тингловчилар сони камидаги 5 нафар этиб белгиланиши мумкин;

йил давомида 5 нафаргача педагог кадрлар йифилмайдиган алоҳида таълим йўналишларида малака ошириш гурухи мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таянч олий таълим муассасасининг буйруғи билан тингловчилар сони 5 нафардан кам гурух шакллантирилиши ёки улар учун малака ошириш масофадан ўқитиш усуллари орқали амалга оширилиши мумкин;

олиий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари таркибидаги уч ёшга тўлмаган ёш боласи бўлган аёллар, пенсия ёшидагилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаси Кенгашининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, масофадан ўқитиш шакллари орқали амалга ошириладиган малака ошириш курсларининг режа-жадвалига киритилади.

36. Раҳбар ва педагог кадрларнинг педагогик (малакавий) амалиёти олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедралари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотлари базасида ташкил этилади.

37. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ўзлаштириши рейтинг баҳолаш тизими асосида назорат қилинади. Рейтинг баллни жамлашда:

раҳбар ва педагог кадрларнинг охирги 3 йиллик касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари асосида);

курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари натижалари;

битириув (лойиха) ишини ҳимоя қилиш натижалари ҳисобга олинади.

Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги курсларда тингловчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари онлайн шаклида қайд этиб борилади ва курсларни тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга бевосита қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида ўтказиладиган онлайн тест синовларида иштирок этишга рухсат берилади.

Электрон портфолио кўрсаткичлари ва онлайн тест синовлари натижалари асосида тингловчиларга битирув (лойиха) ишини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

38. Тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш даврида узрсиз сабаблар билан 18 соат ва ундан кўп миқдорда машғулотларга қатнашмаганлиги учун курсларнинг тингловчилари қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг бўйруғи билан тингловчилар сафидан чиқарилади ва бу ҳақдаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, шунингдек тингловчининг асосий иш жойига юборилади.

Машғулотларда қатнашмаганлиги учун курслардан четлаштирилган тингловчилар аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда ушбу Низомнинг **21-банди** тегишли талаблари уларга нисбатан татбиқ этилади.

Хужжат билан тасдиқланган узрли сабабларга кўра 18 соат ва ундан кўп ҳажмда машғулотларда қатнашмаган тингловчилар сафдан чиқарилади ва уларга навбатдаги курсларда иштирок этишларига рухсат берилади.

39. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида дарс берадиган педагоглар таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Бош илмий-методик марказда мунтазам равишда қисқа муддатли малака ошириш курсларидан ўтадилар.

40. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасасининг етакчи педагог кадрлари, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзолари, шунингдек шартнома асосида мамлакатнинг бошқа олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлари, хорижий мутахассислар, ўқув-методик ходимлари ва амалиётчи мутахассислар жалб этилади.

41. Аттестация комиссияларининг раислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида мунтазам равишда фан ва техникини ривожлантиришнинг тегишли йўналишлари бўйича муаммовий маърузалар олиб борадилар.

42. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагоглар таркибининг ўқув юкламаси ҳажми ўқув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича улар амалда бажарадиган ўқув ишларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

6-боб. Узлуксиз малака ошириш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш

43. Аттестация комиссияси ўз қарорини раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малака ошириш тизими бўйича электрон мониторинг кўрсаткичлари, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг натижалари асосида чиқаради.

44. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари қўйидаги натижалар бўйича аттестациядан ўтказилади:

онлайн-тест синовлари натижалари;
педагогик (малакавий) амалиёт натижалари;
касбий фаолият, шу жумладан электрон портфолио бўйича кўрсаткичлар.

45. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини ҳимоя қилиш аттестация комиссиясида амалга оширилади.

46. Аттестация комиссиясининг қарори қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг ўқитиш курсларини муваффақиятли якунлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги малака аттестати бериш тўғрисидаги бўйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

47. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг аттестация комиссиялари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш аттестация комиссияси таркибида ишларни бажаришнинг белгиланган нормативларидан келиб чиқкан ҳолда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказишнинг юқори сифат даражасини таъминлаш мақсадида аттестация комиссияларининг

раисларига, уларга илгари белгиланган бошқа қўшимча ҳақ ва устамалардан қатъий назар, асосий иш жойи бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошининг (тариф сеткасининг) 30 фоизи микдорида устама белгиланади.

7-боб. Узлуксиз малака ошириш жараёнлари ташкилотчиларининг вазифалари

48. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

замонавий талабларга мувофиқ ўз касбий даражасининг доимий ўсишида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг манфаатдорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қоидаларни амалга оширишни ташкил этади ва назоратини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ўқув-методик ва моддий-техника базасини янада такомиллаштириш чораларини кўради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни хорижий тажрибалар асосида доимий такомиллаштириш ишларини ташкил этади;

олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедраларини тегишли йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларига бириктиради;

хар йили аттестация комиссияларининг ҳисботларини эшитган ва зарур бўлганда, улар таркибига ўзгартиришлар киритган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг аттестация комиссиялари таркибини шакллантиради ва тасдиқлади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим жараёнини такомиллаштириш механизmlари ва услубларини белгилайди, тегишли норматив-хукуқий ҳужжатларни (масофадан ўқитиш таълим усулларини ташкил этиш ва ўtkазиш, тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини тайёрлаш ва химояга тақдим этиш, педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўtkазиш тартибларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари педагог кадрларининг меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрларини) тасдиқлади ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори билан мутаносиблигини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек масофадан ўқитиш усуллари орқали курслардан ўтиши керак бўлган тингловчиларнинг прогноз қилинаётган контингентини белгилайди;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг талаб қилинадиган малакасини таъминлаш бўйича мақсадли топширикларни тасдиқлади.

49. Бош илмий-методик марказ:

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини ўқитиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талаблари, ўқитишнинг замонавий шакллари, илфор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида ўқитишнинг модул тизимини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ўқув жараёнини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли бошқармалари ва бўлимларида, таянч олий таълим муассасаларида, давлат бошқарув органларида битирув (лойиха) ишлари тавсияларини амалиётда татбиқ этилишини таъминлайди;

тасдиқланган режа-жадвалга асосан ишдан ажраган, шу жумладан масофавий ўқитиш услубларини қўллаган ҳолда олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади;

таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли йўналишларнинг ўқув дастурига мос ҳолда ишлаб чиқилган ўқув-методик ресурслар асосида масофадан

ўқитишининг онлайн ва оффлайн шаклларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этади;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ва таълим муассасаларининг эътироф этилган ютуқларини таҳлил қиласида ва умумлаштиради;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўкув жараёнининг доимий электрон мониторингини ташкил этади;

узлуксиз малака ошириш жараёнларининг электрон мониторинг кўрсаткичлари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг истиқбол контингентини шакллантиради;

раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимидағи ўзлаштириш даражаларига мос равишда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишини назорат қиласида ва мониторингини олиб боради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўкув жараёни ҳамда раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолиятининг ягона электрон тизимлари мониторингининг ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш ва шакллантиришда олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро электрон алоқани таъминлайди;

барча қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг онлайн-тест, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тиллар бўйича синовларини ташкил этади, шунингдек раҳбар ва педагог кадрларнинг электрон портфолиосида тегишли натижаларнинг рўйхатдан ўтказилишини мувофиқлаштиради;

курслар тугаллангандан кейин қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли ўйналишлари бўйича онлайн-тест синовларининг натижаларини электрон тизимда рўйхатдан ўтказган, кейинчалик курсларни тугаллашдан олдин аттестация комиссияларига тест синовлари натижаларини тақдим этган ҳолда ташкил этади;

жойларда раҳбар ва педагог кадрлар томонидан ягона электрон мониторинг тизимида киритилган маълумотларнинг ишонччилигини ўрганишини ташкил этади.

50. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари:

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли ўйналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этади;

курслар доирасида сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва касбий даражада машғулотлар ўтказиш учун зарур ўкув, услугубий ва моддий-техника базасини ташкил этади;

масофадан ўқитиши усуллари асосида олий таълим педагог кадрлари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўкув-методик ресурсларини ишлаб чиқади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг етакчи педагог кадрларини ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек шартнома асосида мамлакатнинг бошқа олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрларини ва хорижий мутахassisларни, ўкув-услубий ходимлар ва амалиётчи мутахassisларни кенг жалб этишини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ўйналишлари бўйича зарур ахборот-маълумотлар базасини шакллантиради, қайта тайёрлаш жараёнига замонавий инновацион педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқишини ва уларни жорий этишини ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётганлар учун педагогик амалиёт ҳамда улар томонидан очиқ лекциялар ва амалий машғулотлар ўтказишни, кейинчалик муҳокама қилган ва танқидий таҳлил қилган ҳолда, ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида курсларнинг бошқа жойлардан келган тингловчилариға олий таълим муассасалари ётоқхоналаридан яшаш жойлари бериш чораларини күради;

маълумотларнинг холисоналигини таъминлаган ҳолда Бош илмий-методик марказ ягона электрон тизимининг тегишли ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича тизимли ишларни ташкил этади.

51. Олий таълим муассасалари:

ҳар ўқув йилида мустақил равишда малака ошириш шакллари бўйича фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог кадрлар тўғрисидаги маълумотларни Бош илмий методик марказнинг электрон портфолио тизимиға киритилишини таъминлайди ҳамда мустақил малака ошириш натижалариға кўра раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш шаклларининг прогноз кўрсаткичларини белгилайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлашнинг талаб қилинадиган сифатини таъминлаш бўйича мақсадли вазифаларни тасдиқлайди;

педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш даврида уларнинг ўқув юкламаларини олдиндан қайта тақсимлашни таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида ўз раҳбар ва педагог кадрларининг тегишли курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишларини таъминлайди;

олий таълим муассасаларининг кенгашлари мажлисларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш натижаларини муҳокама қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

курсларни муваффақиятли тамомлаган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг илғор тажрибасини, янги билимлари ва кўнникмаларини оммалаштиришни ташкил қиласди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтган шахсларнинг касбий фаолияти бўйича доимий мониторингни ташкил этади;

ҳар ўқув йилида Бош илмий-методик марказнинг ягона электрон тизимиға олий таълим муассасалари учун маҳсус ажратилган саҳифага раҳбар ва педагоглар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлайди, шунингдек тегишли ўқитувчилар маълумотларининг тўғри киритилганлиги юзасидан мониторинг олиб боради;

электрон портфолио тизими кўрсаткичлари бўйича раҳбар ва педагог кадрларнинг фаолиятини тизимли таҳлил этиб боради ва ўқув йили якунлари бўйича уларнинг рейтингини аниқлашда тегишли кўрсаткичларини инобатга олади;

раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш натижаларининг ички мониторингини олиб боради, юқори кўрсаткичларга эришган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек педагог лавозимларини эгаллаш юзасидан танловлар ўтказиш жараёнида уларни асосий мезонлар сифатида ҳисобга олади.

52. Олий таълим муассасаси раҳбар ва педагог кадрлари:

шахсий иш режасида ўқув йили учун узлуксиз малака ошириш шакллари бўйича фаолиятини режалаштиради;

касбий фаолият натижаларини электрон портфолио тизимиға жойлаштиради.

Бунда, раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолият натижаларининг тасдиқловчи хужжатларини электрон портфолио тизимиға куйидаги тартибда киритиб борадилар:

очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этганлиги тўғрисида таълим муассасаси кафедраси ёки илмий-методик кенгаши йиғилишидаги муҳокамасининг ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган нусхаси;

дарс бераётган фанлари бўйича талabalарнинг республика ва халқаро миқёсидаги фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат соҳасидаги кўрик танловлар ва

кўргазмалардаги иштирокини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси (буйруқдан кўчирма, диплом, фахрий ёрлик);

илмий конференциялар тўпламида нашр қилинган ишларнинг тасдиқланган нусхаси; илмий журналларда нашр қилинган ишларнинг тасдиқланган нусхаси;

кўрик танловлар ва кўргазмалардаги иштирокини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси (буйруқдан кўчирма, диплом, фахрий ёрлик);

илмий лойиҳаларда иштирок этишни қайд этишда лойиҳанинг номи ва қайд рақами, лойиҳани амалга оширишдаги роли (раҳбар ёки ижрочи), амалга оширилиш муддатлари ҳақидаги маълумотларнинг илмий ишлар ва инновацион фаолият бўйича проректор томонидан тасдиқланган нусхаси;

импакт-факторли нашрларда чоп этилган ишларнинг тасдиқланган нусхаси, ихтиро, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмалар, муаллифлик ижодий ишларини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси;

олиб бораётган илмий, ижодий изланишлари асосида монография, ижодий ишлар каталогининг чоп этилганлигини тасдиқловчи Олий таълим муассасасининг Кенгаши баённомасидан кўчирма ва монография, каталог муқовасининг нусхаси;

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги узвони нусхаси;

хорижий мамлакатларда малака ошириш ёки стажировка ўтаганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси;

докторлик диссертациясининг (PhD, DSc) ҳимоя қилинганлигини қайд этиш учун Олий аттестация комиссияси томонидан берилган дипломнинг нусхаси;

илмий раҳбарлигига фалсафа доктори (PhD) ёки фан докторлиги (DSc) диссертациясининг ҳимоя қилганлигини тасдиқловчи хужжат;

дарслик ёки ўқув қўлланма учун берилган гувоҳноманинг нусхаси.

53. Электрон портфолио тизимида киритилган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига раҳбар ва педагог кадрлар шахсан масъул ҳисобланадилар.

Электрон портфолио тизимида кўрсаткичларнинг ҳаққоний эмаслиги тасдиқланганда тегишли раҳбар ва педагог кадрларнинг электрон портфолио натижалари бекор қилинади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

54. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

55. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш

жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**

1-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш тизими СХЕМАСИ

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**
2-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш шаклларини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ


T/p	Мустақил малака ошириш шакллари	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Балл
I. Мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш			100
1.	Очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат		4

	дарсларини ташкил этиш.	<i>Хар ўқув иилида камида 2 та соҳага оид «мастер-класс»лар ташкил этиши —</i> <i>Хар ўқув иилида камида 2 та очик ўқув машгулотлари —</i>	2 1
2.	Иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш.	<i>Талабаларининг республика ва халқаро миқёсидаги фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат соҳасидаги кўрик танловлар ва кўргазмалардаги совринли ўрин учун:</i> <i>халқаро миқёсда —</i> <i>республика миқёсида —</i>	4 4 2
3.	Илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш.	<i>Халқаро миқёсда —</i> <i>Республика миқёсида —</i>	6 2 1
4.	Илмий журналларда мақолалар чоп этиш.	<i>Хар бир илмий мақола учун —</i>	8 2
5.	Кўргазма ва танловларда иштирок этиш.	<i>Халқаро миқёсда —</i> <i>Республика миқёсида —</i>	8 8 4
6.	Илмий лойиҳаларда иштирок этиш.	<i>Халқаро лойиҳалар —</i> <i>Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар:</i> <i>лоиҳча раҳбари сифатида —</i> <i>лоиҳча иштирокчиси сифатида —</i> <i>Хўжалик шартномаси асосида бажариладиган ишлар:</i> <i>раҳбар сифатида —</i> <i>иштирокчи сифатида —</i>	10 8 8 4 4 2
7.	Халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш.	<i>Халқаро маълумотлар базасига киритилган юқори рейтингли илмий журналлар ёки «импакт-фактор»га эга бўлган илмий журналларда чоп этилган ҳар бир мақола учун —</i>	10 5
8.	Ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш.	<i>Ихтиро (патент) —</i> <i>Рационализаторлик таклифи —</i> <i>Инновацион ишланмаларга муаллифлик —</i>	10 10 6 4
9.	Монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш.	<i>Якка муаллифликда —</i> <i>Ҳаммуаллифликда —</i>	10 10 5
10.	Ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма) тайёрлаш ва нашрдан чиқариш.	<i>Ҳаммуалифликда:</i> <i>дарслик —</i> <i>ўқув қўлланма —</i> <i>Методик қўлланма:</i>	15 7 5

		якка муаллифликда — ҳаммуллифликда —	3 1
11.	Илмий раҳбарлигидаги фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун диссертация химоя қилинганлиги.	Охирги 3 йилда ҳимоя қилинган диссертацияга —	15 15
II. Муқобил малака ошириш шакллари			
12.	Охирги 3 йилда якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш.		
13.	Охирги 3 йилда илмий раҳбарлигидаги охирги 3 йилда камида битта DSc даражасини олиш ёки иккита PhD даражасини олиш учун диссертацияларнинг химоя қилинганлиги.		
14.	Охирги 3 йилда докторлик (PhD, DSc) диссертациясини химоя қилиш.		
15.	Охирги 3 йилда хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (давомийлиги: малака ошириш — 1 ойдан, стажировка — 3 ойдан кам бўлмаган муддатда).		
16.	Ўзбекистон Фанлар академияси (Ўзбекистон Бадиий академияси) академиги илмий унвонига эга бўлиш.		


Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида [низомга](#)
3-ИЛОВА

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш
БОСҚИЧЛАРИ**



Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш минтақавий марказининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Изоҳ: Ўқув-ёрдамчи ходимлар, шунингдек техник ва хизмат қўрсатувчи ходимлари сони қонун ҳуҗжатларида олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар бўйича аниқланади.

Ходимларнинг умумий чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 7 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 5 нафар.

Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон карорига
2а-ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш тармоқ марказининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ***



*Изоҳ: * Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши тармоқ маркази тузилмаси алоҳида тасдиқланади*


Ходимларнинг умумий чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 8 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 6 нафар.

Ўқув-ёрдамчи ходимлар, шунингдек техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони қонун хужжатларида олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар бўйича аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тошкент давлат аграр университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази**

ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ: Ходимларнинг умумий чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 12 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 6 нафар.

Ўқув-ёрдамчи ходимлар, шунингдек техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони қонун хужжатларида олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар бўйича аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш марказларида самарали дарс бераётган профессор-ўқитувчилар,
тажрибали амалиётчи мутахассисларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоида

1. Мазкур Низом олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида самарали дарс бераётган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни (кейинги ўринларда марказ педагоглари деб аталади) рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2-боб. Марказ педагогларининг ўқув йили давомидаги фаолияти таҳлили

2. Марказ педагогларининг ўқув йили давомидаги фаолияти таҳлили қўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

ўқув-методик фаолият;

илемий-тадқиқот фаолияти.

3. Марказ педагоглари фаолиятини баҳолаш учун 5 — 7 кишидан иборат махсус Ишчи гурух ҳар йили 15 январга қадар шакллантирилади. Ишчи гурух таркиби тегишли олий таълим муассасаси ректори (Бош илмий-методик марказ директори) буйруғи билан тасдиқланади ва унга мазкур таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича проректори, марказ директори, таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходимлари, кафедра мудирлари ҳамда тажрибали педагог ходимлари киритилади. Ишчи гурух фаолияти йил давомида амалга оширилади.

Ишчи гурухга олий таълим муассасаси ректори (Бош илмий-методик марказ директори) раҳбарлик қиласи.

Марказ педагогларининг ўқув йили давомидаги фаолияти Ишчи гурух томонидан мазкур Низомнинг [иловасида](#) келтирилган мезонларга мувофиқ кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ушбу Низомнинг [иловасида](#) келтирилган мезонларни акс эттирувчи хужжатлар ва материалларни тўплаш мажбурияти педагог кадрларнинг зиммасига юклатилади.

Педагог кадрлар томонидан асословчи хужжатлар ва материаллар Ишчи гурухга йил якунлари бўйича тақдим этилади.

4. Баҳолаш натижалари асосида марказ педагогларига тўплаган рейтинг балларидан келиб чиқсан ҳолда рағбатлантириш фоизлари белгиланади ва ҳар йили 15 ноябрга қадар Ишчи гурух баённомаси билан расмийлаштирилади.

Ишчи гурух баённомаси аъзоларнинг камида 2/3 қисми томонидан қўллаб-қувватланганидан сўнг тасдиқланади.

5. Ишчи гурухнинг баённомаси асосида ҳар йили 25 ноябряга қадар марказ педагогларини рағбатлантириш тўғрисидаги марказ директорининг буйруғи қабул қилинади.

3-боб. Марказ педагогларини моддий рағбатлантириш тартиби

6. Марказ педагогларининг фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб, уларни базавий лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик устамалар белгилаш асосида ҳамда машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган малакали педагог кадрларга соатбай ҳақ тўлаш миқдорининг 20 фоизигача қўпайтирилган ҳолда моддий рағбатлантириш амалга оширилади.

Бунда, меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув машғулотлари олиб борувчи марказ педагогларини моддий рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 20 августдаги 242-сон [карорига](#) мувофиқ 25 фоизга оширилган соатбай ҳақ тўлаш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда хисобланади.

7. Педагоглар меҳнатининг амалдаги натижаси ва сифатини хисобга олган ҳолда уларни рағбатлантиришга тавсия этиш табақалаштирилган ҳолда қуйидагича амалга оширилади:

а) штатдаги педагоглар:

55 — 70 балл учун — 10 фоиз;

71 — 85 балл учун — 20 фоиз;

86 — 100 балл учун — 30 фоиз;

б) соатбай асосида дарс берадиган педагоглар:

55 — 70 балл учун — 10 фоиз;

71 — 85 балл учун — 15 фоиз;

86 — 100 балл учун — 20 фоиз.

8. Моддий рағбатлантириш тўлови навбатдаги календарь йилининг бошидан (январь ойидан) бир йил давомида ҳар ойда амалга оширилади.

9. Марказ педагогларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади ҳамда уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа устамаларни белгиланишига тўсқинлик қилмайди.

4-боб. Якуний қоидалар

10. Марказ педагогларининг йил давомида мазкур Низомнинг иловасида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича тўплаган умумий бали 55 дан кам бўлган тақдирда рағбатлантириш келгуси календарь йил учун бекор қилинади.

11. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида самарали дарс берәётган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА ИЛОВА**

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида дарс берәётган профессор-ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар фаолиятини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/п	Кўрсаткичлар	Ажратилган максимал балл
I. Ўқув-методик фаолият (65 балл)		
1.	Назарий билимларни, амалий кўнималарни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси (очик машғулотлар натижалари бўйича)	7 балл
2.	Ўқитиши сифати даражаси (марказ томонидан тингловчилар билан ўтказилган сўровнома натижалари бўйича)	8 балл
3.	Йил мобайнида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими учун нашр этилган камида битта ўқув қўлланмасининг мавжудлиги	10 балл (балл ҳаммуаллифлар сонига teng бўлинади)
4.	Ўқитишида компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, ўқув курсини ва ўқув-тақдимот материалларини ишлаб чиқиши	5 балл
5.	Ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва тингловчилар билимларини баҳолашнинг илгор усуллари қўлланилиши даражаси	5 балл
6.	Дарс берадиган модули бўйича ўқув-услубий мажмуани ишлаб чиқканлиги ёки янгилаганлиги	5 балл (балл ҳаммуаллифлар сонига teng бўлинади)
7.	Хорижий тиллардан (рус тили қамраб олинмайди) бирини яхши ўзлаштирган бўлиши ва буни тасдиқловчи тегишли сертификатларнинг мавжудлиги (IELTS (ўртacha 5,5 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), B2 даражасидаги CEFR (Common European Framework of Reference), Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache fur auslandische Studienbewerber) ёки GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplome approfondi de langue francaise) ёхуд Давлат тест марказининг малакавий сертификати)	10 балл

8.	Хорижий тилларда (рус тили қамраб олинмайды) материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишида улардан амалда фойдаланиш	5 балл
9.	Сўнгги уч йилда хорижий таълим ва илмий муассасаларида малака ошириш ёки стажировкадан ўтганлиги	10 балл
II. Илмий-тадқиқот фаолияти (35 балл)		
10.	Илмий даража ва илмий унвон	5 балл
11.	Йил мобайнида камида иккита илмий конференцияларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимиға оид маъруза билан иштирок этиши	4 балл
12.	Йил мобайнида илмий нашрларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимиға оид камида битта мақола чоп этиши: - республика миқёсида - халқаро миқёсда	5 балл 8 балл (балл ҳаммуалифлар сонига тенг бўлинади)
13.	Давлат илмий-техника дастурлари ёки халқаро илмий лойиҳалардаги иштироки (камидা битта): - раҳбарлик қилиш - иштирок этиши	5 балл 3 балл
14.	Патентлар, ихтиrolар ва электрон дастурлар учун камидা битта муаллифлик гувоҳномаларининг мавжудлиги	5 балл (балл ҳаммуалифлар сонига тенг бўлинади)

ЖАМИ (максимал балл — 100)

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайta тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2012 й., 39-сон, 453-модда):

а) 1-банднинг **учинчи хатбошисидаги «16» рақами «17» рақами билан алмаштирилсин;**
б) **1-иловада:**

«Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлими «Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари» устунининг 4-позициясидан «зоотехния» ва «ветеринария» сўзлари чиқариб ташлансин;
қўйидаги мазмундаги 17-позиция қўшилсин:

« 17. Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази	Зооинженерия, Ветеринария медицинаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси »;
---	--	--

- в) **4 ва 5-иловалар** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
г) «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлими «Вазирликлар ва идораларга мансублиги» устуни:


4 позициясидаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги» сўзи «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзига алмаштирилсин;

10-позициясидаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги» сўзи «Қурилиш вазирлиги» сўзига алмаштирилсин.

д) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



* ЎзМУ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази тармоқ ва минтақавий йўналишларда фаолият олиб боради».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш чоратадирилари тўғрисида» 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2015 й., 33-сон, 442-модда):


- 1-банднинг **иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- 3-банднинг **иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- в) **1-илова** ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича професионал ўқитиши маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 июндаги 453-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2018 й., 6-сон, 149-модда) **1-иловаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июндаги 453-сон қарорига
1-ИЛОВА**

**Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро
стандартлар бўйича професионал ўқитиши марказининг**

ТУЗИЛМАСИ



* Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сақланади.

Ходимларнинг чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 11 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари — 7 нафар.

Ёрдамчи ходимларнинг сони давлат бошқаруви органлари учун белгиланган нормативларга асосан аниқланади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 27 февралдаги 103-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 9-сон, 129-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2019 й., 09/19/797/3793-сон)